

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА ТУРҒУН БИРИКМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ ТАДҚИҚИ

А.Маматов - филология фанлари
доктори, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари, турғун бирикмаларнинг деривацион тамойилларини ёритиш каби муҳим изохталаб масалалар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: антропоцентрик парадигма, предикатив, нопредикатив таркибли атама, мураккаб термин, парафраза, деривация, ономастик бирлик, соф турғун бирикма, идиоматик бирикма.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида тил бирликларини лингвопрагматик, лингвокогнитив, антропоцентрик парадигма каби янги илмий концепциялар асосида тадқиқ этиш устунлик қилмоқда. Тил бирликларининг ёндош ҳодисалар билан муносабати асосида таҳлил этишнинг **замонавий талқин ва баёнлари юзага келмоқда**. Бу замонавий йўналиш ва концепциялар асосидаги тадқиқотлар тилнинг нафақат коммуникатив, балки аккумулятив функцияларини ҳам намоён этиш имкониятини яратади. Фразеологик бирликлар ва турғун бирикмаларнинг ўзаро семантик ҳамда синтактик муносабати, фарқли жиҳатлари тадқиқи долзарб ҳисобланади.

Тилшуносликда фразеологик бирликлар яхлит маъно ифодаладиган сўз бирикмаси ёки предикативли қурилма бўлиб семантик ҳодиса сифатида талқин этилади¹.

Фразеологик бирликнинг яхлит маъно ифодалашини уни тил бирлиги сифатида талқин этиш учун асос бўлмоқда. Лексема тилда луғавий бирлик

¹ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари.- Тошкент, 2013 йил

сифатида кўчма маъно англатмайди. Унинг кўчма маъно англатиши нутқда кузатилади. Фразеологик бирлик эса тилда ҳам нутқда ҳам кўчма маънода кўлланилади. Уларнинг маъноси айнан кўчма маъно асосига қурилган бўлади. Фразеологик бирлик турғун бирикма ёки гап мақомидаги турғун қурилма тарзидаги семантик ҳодиса сифатида талқин этилиб, тилшунослик фанининг лексикология бўлимида ўрганилиб келинди. Фразеологик бирлик айнан семантик хусусиятига кўра изоҳланади. Тилшуносликда турғун сўз бирикмалар, таркибли атама ва мураккаб терминлар, парафразалар фразеологик бирлик мақомида талқин этилмоқда. Шунингдек, турғун бирикмалар компонентлари ва фразеологик бирликлар ўртасида шаклланувчи синтактик муносабат масаласи ҳам назардан четда қолмоқда. Шу маънода, таркибли атамалар, мураккаб терминлар, парафразалар, турғун сўз бирикмалари, ибораларнинг синтактик деривацияси масалаларини тадқиқ қилиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тилшунос-олимлар турғун сўз бирикмаларини идиоматик маъноли фразеологик бирлик каби семантик ҳодиса тарзида баён этадилар. Турғун бирикма компонентларининг синтактик муносабати талқини лозим даражада тадқиқ этилмаган.

Тилшуносликда турғун сўз бирикмалари ноидиоматик қурилма сифатида эътироф этилиб, уларни фразеологик бирликлардан фарқли жиҳатлари изоҳланади. Дарҳақиқат, турғун сўз бирикмалари, шу жумладан, фразеологик бирликлар нафақат семантик, балки синтактик ҳодиса эканлиги, турғун сўз бирикмалари эркин бирикмалардан фарқли равишда гапнинг қурилиш материали эканлиги эътироф этилади. Фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятларини, турғун бирикмаларнинг деривацион тамойилларини ёритиш каби муҳим изоҳталаб масалаларни тадқиқ этишни тақоза этади.

Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабатини сўз бирикмаларининг предикативлик ҳодисасига муносабати, тенг компонентли бирикмалар тадқиқи каби масалалар анъанавий тилшуносликда мустақил сўзларнинг

тобелик асосида ўзаро боғланишига кўра таҳлил этилди. Компонентларнинг тенглик асосида муносабатга киришувидан ташкил топувчи сўз бирикмалари, турғун сўз бирикмаларининг семантик ва синтактик табиати лозим даражада ўрганилмади ёки бу борада тилшунослар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазалар изоҳталаб.

Турғун бирикмалар, соф турғун бирикмалар, парафразалар фразеологик бирликлар доирасида ўрганилмоқда. Чунки уларнинг синтактик табиати, компонентлари ўртасидаги муносабат масалалари илмий ечим топмаган. Ваҳоланки, турғун бирикмаларни фразеологик бирликлардан фарқлаш лозим. Хусусан, турғун бирикмалар ўзгармас ҳолдаги сўзлар муносабатини акс эттиради ва уларда фраземаларга хос идиоматик маъно бўлмайди. В.В.Виноградов, О.С.Ахманова, Н.М.Шанский, В.И.Кодухов, Ф.Ф.Фортунатов, Ю.Ю.Авалиани, Л.И.Ройзензон, А.М.Эмирова, В.Г.Гак каби йирик фразеологик тилшунослар турғун бирикмалар ва фразеологик иборалар ўртасидаги турғунлик тушунчаси бир хил даражада эмас, ҳар қандай турғун бирикма ҳам фразеологик ибора бўлмаслигини таъкидлайдилар. Турғун сўз бирикмаларнинг илмий талқини Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Э.Маматовларнинг тадқиқотларида ҳам кузатилади².

Таркибли атамалар, таркибли ономастик бирликлар, мураккаб терминлар ва парафразалар, соф турғун бирикмалар, идиоматик бирикмаларни фразеологик иборалардан фарқлаш ва уларнинг семантик-синтактик деривациясини илмий асослаш зарур.

Фикримизча, таркибли атамаларни турғун, тилда тайёр ҳолда мавжуд, умумий маънолари компонентларининг лексик маънолари орқали воқеланадиган бирлик сифатида эътироф этамиз.

Турғун бирикмалар эса тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлиб, яхлит маъно ифодалайди, компонентларининг синтактик алоқалари у ёки бу тарзда

² Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари.- Тошкент, 2013 йил, Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси (ўқув кўланма). Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019, Маматов А.Э, Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. Монография. Тошкент, «Наврўз», 2019 йил.

сақланади. Мисоллар келтирамиз: *турмуш ўртоғи, дарс жадвали, тест маркази, кун тартиби, бахт қуши* каби бирикмаларнинг компонентлари мослашув, *ташкилий қўмита, темир ирода* каби бирикмаларнинг компонентлари эса битишув усуллари билан синтактик алоқага киришади. Кўринадикки, синтактик алоқа тўлиқ сақланади.

Турғун бирикманинг умумий шакли *дериват* бўлса, бирикма компонентларининг ҳар бири *операнд* бўлади, дериватни вужудга келтирувчи унсур *оператор* мавжуд. *Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* кабилар. Фразеологик бирликларнинг компонентлари орасидаги бундай синтактик муносабатни фарқлаш амалда мумкин эмас.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Али Ибн Сино, Акмал Ахмедович Пулатов ва ҳ.к. таркибли ономастик бирликлар (киши номлари) икки ва ундан ортиқ компонентли бўлгани учун улар таркибли атамалардир. Ономастик таркибли бирликлар аниқ шахсларни номлагани учун терминлардан кескин фарқланади.

Тилимиздаги *чин арафа, ташвиқот нуқтаси, катта маслаҳатчи, илмий ходим, ички ишлар* каби турғун бирикмалар ҳам бирикма атамалардир. Аммо *ақл гимнастикаси, само лочинлари, қанотли дўстлар, чарм қўлқоп устаси, мўйқалам соҳиби, илм ўчоғи* ва ҳ.к. парафразалардир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, парафразалар фақатгина турғун бирикмалар эмас, улар икки ва ундан ортиқ компонентли синтагма қолипни бўлиб, аксарият ҳолларда уларнинг сўзлар таркиби турлича бўлади. Мас. *само лочинлари, чарм қўлқоп устаси, зангори кема капитани*. Парафразалар синтактик ва семантик деривация билан узвийликда шаклланади. Парафразалар ўзига хос белгилар йиғиндисига кўра фразеологик бирликларга яқин туради. Парафразалар тузилишига кўра сўз бирикмасига ёки гапга тенг, семантик яхлит, умумлашган маъно англатадиган, образли ва кўчма маъноли турғун бирикмалардир. Уларни алоҳида мавзуда ва алоҳида ёндашувда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Фразеологик иборанинг лингвистик табиати, фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари ўзбек тилшунослигида етарлича тадқиқ этилмаган. Фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан яхлит, синтактик жиҳатдан турғундир. *Арпасини хом ўрмоқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ, игна билан қудуқ қазимоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ*. Шунинг учун синтактик муносабатларни ташкил этаётган сўзларнинг грамматик шакллари аксарият ҳолларда ўзгартириб бўлмайди.

Фразеологик бирликлар нутқий таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Масалан, *ранжитмоқ* сўзи ўрнида *арпасини хом ўрмоқ* ибораси воситасида ифодаланса, маъно кучли ва образли ифодаланади, унинг нутқий таъсирчанлиги ортади.

Фразеологик бирикма компонентларининг синтактик муносабати турғунлашган семантик яхлитликнинг вужудга келиши учун ҳам муҳим мавқега эга.

Фразеологик ибораларнинг турғун бирикмалардан фарқли хусусиятлари қуйидагича: 1) фразеологик иборалар ўз таркибидаги сўзлар маъноси синтезидан юзага келувчи маъно билан намоён бўлмайди. Турғун бирикмалар эса ҳамма вақт таркибидаги сўзлар маъноси синтези билан ўзининг бир тушунчага асосланган маъносини беради.

2) Фразеологик бирликнинг синтактик табиати унинг тил ҳодисаси – семантик - синтактик ҳодиса эканлигини эътироф этади. Фразеологик бирликларнинг компонентлари ўртасида ички синтактик алоқа мавжуд: “Ибора таркибини синтактик таҳлил қилиш нутқ бирлигининг таркибини эмас, балки тил бирлигининг таркибини таҳлил қилиш бўлади. Умумун, ибора таркибида қатнашган сўзлар орасидаги синтактик боғланиш ўз кучини сақлайди, ўлмайди, фақат ички бўлади³”.

3) Фразеологик бирликнинг гап қолипида келганда гап бўлаклари масаласи ички характер касб этиши, яъни эга- кесим муносабати, аниқловчи- аниқланмиш муносабати мавжудлигини эътироф этамиз.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Тошкент, 1992.

4) Фразеологик бирликлар синтактик деривацияси нопредикатив ҳамда предикативли иборалар асосида талқин этилиши ва муайянлаштирилиши зарур. Сўз бирикмаси қолипидаги нопредикатив фраземалар синтактик деривацияси турли морфологик воситалар ёрдамида ҳамда бирикма компонентларининг дистрибутив салоҳиятига асосланади. Фразеологик бирликларнинг синтактик шакли кенгайиши мумкин, бунда семантик яхлитлик сақланади.

Фразеологик ибора гап қолипида келганда унинг деривацион хусусиятлари сўз бирикмаси қолипидаги иборалардан бирмунча фарқланади.

Турғун сўз бирикмаларининг таснифи масаласи ҳам нафақат ўзбек тилшунослигида, балки умумий тилшунослиқда ҳам изоҳталаблигича қолмоқда. Соф турғун сўз бирикмалари, парафразалар, таркибли термин ва атамалар, фразеологик ибораларнинг ҳар бири алоҳида мавқега эга бўлиб, улар синтактик нуқтаи назардан жиддий илмий тадқиқ этилиши зарур.

Турғун сўз бирикмаларининг семантик хусусияти ва синтактик табиатига кўра турғун сўз бирикмалари ва фразеологик ибораларга ажратиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Тилимиздаги *темир йўл, авиация саноати, турмуш ўртоғи, дам олиш уйи, аналитик тил, ёрдамчи тил, сунъий тил, адабий тил, ўлик тил, халқаро тил, миллий тил, билиш назарияси, фразеологик чатишма, тригонометрик функция, сигнал системаси* каби бирикмалар турғун бирикмалар эмас, балки фразеологик бирликлардир. Уларнинг мазмунида иккиламчи семантик воқеликнинг мавжудлиги уларни фразеологик бирликларга яқинлаштиради.

Фразеологик бирликларнинг “образлилик ва кўчма маънолилик” интеграл белгилари турғун бирикмалардан фарқловчи дифференциал белгиларидир. Фикримизча, фразеологик бирликларнинг деривацияси ушбу фарқловчи дифференциал белгилари моҳиятидан келиб чиқилиб таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса шуки, турғун сўз бирикмаларининг таснифи масаласи, соф турғун сўз бирикмалари, парафразалар, таркибли термин ва атамалар,

фразеологик ибораларнинг мавқеи ва мақоми, уларнинг синтактик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, тилни ўқитиш бўйича яратилажак дарслик ва қўлланмалар, ҳозирги ўқув ҳамда изоҳли луғатларнинг мукамаллашуви учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Тошкент, 1992.
2. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари.- Тошкент, 2013 йил
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси (ўқув қўлланма). Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019.
4. Маматов А.Э, Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. Монография. Тошкент, “Наврўз”, 2019 йил.
5. Mamatov A. E. “English and Uzbek graduonymic phrasemes in hyponymy”. Монография. The language denotes the men and culture corporatively. LAMBERT Academic Publishing, 2019.
6. Маматов, А. Э. (1989). Очерки по французской фразеологической стилистике.
7. Маматов, А. Э. (2000). Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. *Филол. фанл. докт..... дисс. автореф./АЭ Маматов.–Тошкент.*
8. Маматов, А. Э. (1999). Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. доктори.. дис.
9. Маматов, А. Э. (1995). ЮЗАИМОДЕЙСТВИЕ ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОВОЙ ФОРШ. *Чувашский язык и алтаистика*, 89.
10. Маматов, А. Э. (2012). Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?. *Ўзбек тилишунослигининг долзарб муаммолари (проф. А. Нурмонов тавлудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари).–Андижон*

